



Темурни Чингиз ила бир сафга кўйиб, уни

вахший, золим, карокчи деб атаган кишиларнинг

фикрлари икки мартаба хатодир. [\[1\]](#)

Херман Вамбери

Кадим ва олис замонлар силсиласига туташувчи кўхна тарихимиздан маълумки, йирик маънавий салоҳият ва инсоният илмий тафаккурининг бешиги ҳисобланган юртимиз жаҳонга машхур ўз даврининг жаҳонгирлари, олиму-фозиллари, замонасининг маънавий баркамол асл мард, жасур ватанпарвар фарзандларини камолга етказган. Зеро, инсоният пайдо бўлган замонлардан олис манзилларни кўзлаб йўлга чиққан тарих аталмиш улуг “карвон”га ҳар бир даврда улуг сарбонлар, ўз манфаатларидан воз кечган, Ватан, халқ, миллат тақдири дея ҳаловатсиз ўғлонлар бошчилик қилганлар. Улар нафакат миллати, халқи тақдири учун балки, бутун инсоният тақдири учун қайгурганлар.

Сохибкирон Амир Темур ана шундай улуг сохибқаромат Ватан фарзанди ҳисобланади. Ҳазрат Амир Темур халқимиз даҳосининг олий тимсолидир. Сохибкирон Амир Темур бунёд этган йирик меъморий обидалар, бог-роғлар, йўллар ва кўприклар ва ниҳоят у

киши колдирган улкан маънавий мерос у зотнинг улуг маънавий салохият сохиби эканлигидан далолатдир.

“Оксоч” тарихда не-не саркадалар, жaxonгирлар, шохлар от сурди. Бирок уларнинг хаммаси хам ўз

номларини тарих
саҳифаларига бита олмади.

Сохибкирон

Амир Темур номини тарих зарваракларига “олтин харфлар” билан мангуга мухрлаган омил-бу унинг олиму-фозилларга, уламою-диндорларга, адабиёт, санъат, маданият ахлига бўлган чексиз хурматию, хомийлигидадир.

Бинобарин, сохибкирон Амир Темур нафакат маданият ва маънавият хомийси эди, балки, унинг ўзи хам адабиётни, шеъриятни севган ўта нозиктаъб инсон бўлган. Хазрат Мир Алишер Навоий

“Мажолис ун-нафоис”

асарининг

еттинчи мажлисида сохибкирон Амир Темур тўгрисида тўхталиб, “мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавхарларининг

уммони, хокони жaxonгири сохибкирон, яъни: Темур Кўрагон ... –агарчи назм айтмоқка илтифот килмайдурлар, аммо назм ва насрни андок хуб махал ва мавкеъда ўкубдурларким, анингдек бир байт ўкугони минг яхши байт айтгонча бор. Табаррук хайсиятидинким, ул хазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлгай, ва ул латойифдин бири била ихтисор килилур.”

[\[2\]](#)

, деб таъкидлайди. Шу билан

бирга

ўз сўзига

исбот сифатида

Амир Темурнинг куйидаги мисрани

ўринли ўкиганлигини ёзади:

Абдол эн бим чанг бар мусхаф зад [\[3\]](#)

Мазкур мисра хазрати кутб ул авлиё Султон Абу Саййид Абулхайрнинг рубойисининг охирги кисми бўлиб, у бемор ётган бир азиз инсоннинг бошида ўкилган [\[4\]](#).

Сохибкирон Амир Темурнинг ўзи ёзган бир байт тўғрисида унинг “Тузукот”ларида маълумотлар мавжуд.

Амир Темур ва Амир Хусайн марказлашган давлат барпо этиш мақсадида юрган кезлари, Амир Хусайннинг хийласи билан улар орасига нифок тушади. Шундай огир бир вазиятда Амир Хусайн Амир Темурни ўлдиришни режалаштириб, унга “дўстлик ва кардошликни” таклиф этади ва Куръонни кўлга олиб касам ичади. Ва уни Темурга юбориб, элчи оркали “ўртадаги аҳду-паймолимизни янгиласак, худо ҳақки дуруст бўлур эди”, деб унга Чакчек дарасида учрашишни таклиф этади. Амир Хусайннинг нияти кора эди. У Амир Темурни ўлдирмокчи, йўлидаги асосий ва бирдан-бир “гов”ни олиб ташламокчи эди. Бунини Амир Темур жуда яхши тушуниб турар эди. Шундай бўлсада, Куръон хурматини саклаб, айтилган жойга боради. Лекин эҳтиёт чораси билан икки юз отликни ўша ерга махфий жойлаштиради. Бундан беҳабар Амир Хусайн минг навқари билан Амир Темур устига тўсатдан хужум қилади. Лекин Оллохнинг иродаси билан Амир Темур галаба қозонади. Ва ўзи таъқидлаганидек “Амир Хусайнга ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

Ёрга етқур сабо, ким макр қилмишдур манга,

Қилди эрса қимга макрин, қайтадир бир қун анга.” [\[5\]](#)

Яъни қим менга макр, хийла қилса сабо (тонг шамоли) уни ёрга (яъни Оллохга) етказди. Қим қимга макр, хийла қилса бир қун ўзига қайтади, Рўзи Махшарда жавоб беради (шарҳ бизники-муаллиф).

Бундай сермазмун ва сержило байтни битиш учун юксак тафаккур ва катта маънавият салоҳият сохиби бўлиш керак. Бинобарин, сохибкирон Амир Темур ана шундай улуг хофиза ва ақл-заковат сохиби эдилар. Аммо мустабид қизил империя даври

тарихшунослиги ўз даврида сохибкирон Амир Темурга хос бўлган ана шундай маънавият ва маданият айрим “хакгўй тарихчилар” томонидан нотўгри бахоланди, нотўгри талкин килинди.

Вахолангки, унинг шахсига хос бўлган ижобий фазилатлар сифатида келтирилган юкоридаги маълумотлар фикримиз далилидир.

Амир Темур таваллудининг 672 йиллиги арафасида шуни алохида таъкидлаймизки, буюк инсонлар ўз

зиммасига юклатилган

тарихий миссияни, бурчни адо этмагунча бу дунёдан кетмайдилар. Улар нафакат тириклигида

балки, вафотидан сўнг хам инсоният хизматида

бўлдилар. Бу уларнинг тақдиридаги буюк қисматдир. Сохибкирон Амир Темур

нафакат тарихда балки,

хозир хам халқ, миллат, Ватан ва

истиклол хизматидаги улуг тарихий шахсдир.

О.Абдимўминов

[1] Каранг: Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т.: 1990. 48-бет.

[2] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 12-жилд, Т.: 1966. 168-бет.

[3] Каландар кўркувдан Куръонга чанг солди маъносида.

[4] Алийбег Рустамий. Амир Темур зикр қилган бир байт тўгрисида. // Каранг: Амир Темур сабоклари.

Т.: 1999. 8-бет.

[5] Қаранг: Темур тузуклари. Т.: 1991. 38-бет.